

## БОЛАЛАРДА КЎРУВ НЕРВИ АТРОФИЯЛАРИНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Муродуллаева Наргиза Ориповна

Бухоро Давлат тиббиёт институти Оториноларингология ва офтальмология кафедраси  
ассистенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7118116>

**Аннотация.** Бухоро Давлат тиббиёт институтининг кўз касалликлари кафедраси ва РИКМИАТМ Бухоро филиали болалар бўлимида кўрув нерви халқаси атрофияларини даволашда нейропротекторлар билан биргаликда лазерстимуляция самарадорлиги аниқланди. 8-16 ёшгача бўлган 20 та бола стандарт текширувдан ўтказилди ва даво муолажалари бажарилди. Даводан олдинги ва даводан кейинги натижалар тахлил қилиниб, даво самарадорлиги баҳоланди.

**Калим сўзлар:** ретиналамин, лазерстимуляция, кўрув нерви халқаси атрофияси.

## IMPROVING METHODS OF TREATMENT OF OPTIC NERVE ATROPHY IN CHILDREN

**Abstract.** The effectiveness of laser stimulation in combination with neuroprotectors in the treatment of optic nerve atrophy was determined at the Department of Eye Diseases of the Bukhara State Medical Institute and the children's department of the Bukhara branch of RICMIATM. 20 children aged 8-16 years were subjected to standard examination and treatment. The results before and after treatment were analyzed and the effectiveness of the treatment was evaluated.

**Keywords:** retinalamin, laser stimulation, optic nerve atrophy.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ АТРОФИИ ЗРИТЕЛЬНОГО НЕРВА У ДЕТЕЙ

**Аннотация.** Эффективность лазерной стимуляции в сочетании с нейропротекторами при лечении атрофии зрительного нерва определяли на кафедре глазных болезней Бухарского государственного медицинского института и детском отделении Бухарского филиала РИКМИАТМ. Стандартному обследованию и лечению были подвергнуты 20 детей в возрасте 8-16 лет. Были проанализированы результаты до и после лечения и оценена эффективность лечения.

**Ключевые слова:** ретиналамин, лазерная стимуляция, атрофия зрительного нерва.

## КИРИШ

Кўрув нерви халқаси атрофияси – бу кўз касаллиги бўлиб, органнинг нерв қисмига таъсир қилувчи патологик жараёнларнинг ривожланиши туфайли кўришнинг заифлашиши билан тавсифланган кўз касаллигидир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, атрофияда кўрув нерви толалари аста секин нобуд бўлади, маълумот миядаги тўр пардадан бузилган шаклда берилади. Ушбу патология кўп сабабларга кўра юзага келиши мумкин, уларнинг аксарияти офтальмологик касалликлар мавжудлиги билан боғлиқ.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Кўрув нерви- бу тасвирларни идрок этиш пайтида хосил бўлган импульслар ўтадиган ўзига хос “маршрут”. Агар бирон бир қисм блокланган бўлса, яъни атрофия пайдо бўлса, унда расм нотўғри узатилади. Афсуски, бу патология хар қандай ёшдаги одамларда бўлиши мумкин. Замонавий диагностика усуллари касалликни батафсил

Ўрганиш имконини беради ва офтальмологлар, агар толалар тўлиқ атрофия бўлмаса, уларни тиклаш жуда мумкин деган хулосага келишди. КНХ атрофияси сабалари офтальмологик касалликлар ва турли хил патологик касалликлар оқибатида келиб чиқади. Аммо бир неча асосий турлари мавжуд: ирсий, ДНК мутацияси, Бурневелли синдроми ва бошқа бир қатор касалликларнинг мавжудлиги. У бирламчи ва иккиламчи турларга бўлинади. Агар периферик нейронлар сиқилган бўлса, у ҳолда атрофиянинг асосий тури ривожланади. Бундай ҳолда, кўрув нерви диски ўзгаришсиз қолади.

Энг илғор тиббий технологияларнинг аънавий тиббиёт билан самарали комбинацияси беморларга сезиларли яхшиланишларга эришишга ёрдам беради. Ўз навбатида кўзнинг тўр пардаси томонидан қабул қилинган маълумотлар бузилган шаклда миёга етиб боради. Атрофиянинг ривожланиш жараёни аста секин содир бўлади. Касаллик 21 % ҳолларда қайтарилмас кўрликка олиб келади ва 68 % ҳолларда ногиронликка олиб келади.


Бутун Россия кўзи ожизлар жамияти маълумотларига кўра, кўрув нервнинг атрофияси (32% ҳолларда) болаларда кўрлик ва заиф кўришнинг асосий сабабларидан биридир. Бу кўз ва марказий асаб тизимининг турли касалликларининг натижаси бўлиб, одатда окуломатор бузилишлар( страбизмус, нистагм) билан бирга келади ва чақалоқлик давридаги кўриш функциясини сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Кўрув нерви касалликлари кўз олмаси патологияларининг ичида жуда кенг тарқалган. Шунинг учун тўр парда ва кўрув нервнинг атрофияларини даволашга йуналтирилган патогенетик даволаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва систематик равишда амалий тиббиётга тадбиқ этиш замонавий офтальмологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мақсад: кўрув нерви касалликларида нейропротектор (ретиналамин) дори воситаси ва лазерстимуляциянинг самарадорлигини баҳолаш

РИКМИАТМ Бухоро филиали болалар бўлимида 20 та бемор текширувдан ўтказилди. Болаларнинг ёши 8 – 16 ёшгача бўлиб, шулардан ўғил болалар – 12 та(60) , қиз болалар - 8 та (40 %) ни ташкил қилди. Ҳамма беморларда стандарт офтальмологик текширувлар (визиометрия, рефрактометрия, ОКТ, пневмотонометрия, А-Вскан) ўтказилди. Беморлар стационар шароитида даво усулларини қабул қилди. Болалар 2 гуруҳга бўлинди. 1 чи гуруҳда 10 та болага даволаш аънавий усулда олиб борилди (лимфостимуляция). 2 чи гуруҳда эса лимфостимуляция ва лазерстимуляция қилинди. 1 чи гуруҳда аънавий даволашда : лимфостимуляция учун эмоксипин 0,5мл чакка соҳасига, аскорбин кислота ва рибофлавин эритмалари ишлатилди ва пастки жағ лимфа тугунлари стимуляция қилинди. 2 чи гуруҳда даволашда : тери остига ретиналамин 0,5мл, аскорбин кислота ва рибофлавин эритмалари ишлатилди. МАҚДЭЛ-08 мосламаси ёрдамида лазер стимуляция ўтказиш 5 минутни ташкил қилди.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Даволаш курси олиб борилган 1 чи гуруҳ беморларнинг 7тасида (70 %) кўриш ўткирлиги даволанишгача 0,05 - 0,08 га, 3 тасида (30 %) даволанишгача 0,1-0,2 га тенг бўлиб, 1 курс даволаш муолажаларидан сўнг кўриш ўткирлиги 7 та беморда 0,1-0,2 га тенг бўлиб, бу самара 5-6 ой давомида сақланиб турди. 3тасида кўриш ўткирлиги 0,3-0,4 га тенг бўлиб, ушбу самара кейинги 6 ой давомида ўзгармай турди, 6 ойдан сўнг эса кўриш ўткирлиги секин аста пасайиб борди.



## МУҲОКАМА

Ушбу ҳолатда даволаш самарадорлиги 4-6 ой давомида ўзгармай сақланиб турди, кейинги ойларида секин аста камая бошлади. Даволаш курси олиб борилган 2 чи гуруҳ беморларнинг 8тасида (80 %) кўриш ўткирлиги даволанишгача 0,07 - 0,08 га, 2 тасида (20 %) даволанишгача 0,09-0,1 га тенг бўлиб, 1 курс даволаш муолажаларидан сўнг кўриш ўткирлиги 8 та беморда 0,2-0,3 га тенг бўлди. 2тасида кўриш ўткирлиги 0,4-0,5 га тенг бўлиб, ушбу самара кейинги 6-8 ой давомида сақланиб ўзгармай турди.

## ХУЛОСА

1. РИКМИАТМ Бухоро филиали болалар бўлими ва тиббиёт институтини кўз касалликлари кафедрасида беморларда кўрув нерви атрофияларини даволашда лимфостимуляция усули, ретиналамин дори воситаси билан биргаликда МАҚДЭЛ-08 мосламаси ёрдамида лазер стимуляция қилиниб, анча ижобий натижаларга эришилди.
2. Ретиналамин эритмасини тери остига юбориб, даволаш муолажаларида иштирок этган беморларнинг ҳеч бирида дориларнинг ножўя таъсири кузатилмади. Ретиналамин эритмаси билан лимфостимуляцияни самарадорлиги даволанишда қатнашган ҳамма беморда ижобий натижа берди, беморларда кўриш ўткирлиги анча яхшиланди.
3. Кўриш ўткирлиги билан биргаликда кўриш майдонида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилиб, периферик кўришни яхшиланишига олиб келди. Лимфостимуляция, ретиналамин ва МАҚДЭЛ-08 мосламаси ёрдамида даволаш усулларини биргаликда қўллаш натижасида кўз олмаси тўқималарининг регенератор хусусиятлари янада

яхшиланиб, тўр парда ва кўрув нервини озикланиши, кон-томирлар деворининг мустахамлиги янада яхшиланиб, кўриш функцияларини яхшиланишига сабаб бўлди.

## REFERENCES

1. Либман Е.С., Шахова Е.В. Слепота и инвалидность вследствие патологии органа зрения в России // Вестник офтальмологии. — 2006. — №1. С. 35-37.
2. Чичерин Л.П. Ведущие проблемы охраны здоровья детей и подростков // Бюллетень Национального НИИ Общественного Здоровья РАМН. — 2011. №2. С. 17-20.
3. Тарутта Е.П. Возможности профилактики прогрессирующей и осложненной миопии в свете современных знаний о ее патогенезе // Вестник офтальмологии. — 2006. Т. 122, №1. С. 43-47.
4. Катаргина Л.А., Михайлова Л.А., Состояние детской офтальмологической службы Российской Федерации // Российская педиатрическая офтальмология. — 2015. Т. 10, №1. С. 5-10.
5. Никифоров А.С., Гусева М.Р. Офтальмоневрология. —М.: ГЭОТАР-Медиа, 2014. С. 162-163.
6. Nickla DL, Wallman J. The multifunctional choroid. *Progr Retinal Eye Res.* 2010;2:144-168. <https://doi.org/10.1016/j.preteyeres.2009.12.002>
7. Астахов Ю.С., Белехова С.Г. Толщина хориоидеи при миопии различной степени. Офтальмологические ведомости. 2013;4:34-38.
8. Кацнельсон Л.А., Форофонова Т.И., Бунин А.Я. Анатомия сосудистой системы глаза. В кн.: Сосудистые заболевания глаза. М.: Медицина; 1990.
9. Зальцман М. Сосудистая оболочка. В кн.: Анатомия и гистология человеческого глаза. М. 1913.
10. Аветисов С.Э., Будзинская М.В., Жабина О.А. и др. Анализ изменений центральной зоны глазного дна при миопии по данным флюоресцентной ангиографии и оптической когерентной томографии. Вестник офтальмологии. 2015;(4):38-48.
11. Тарутта Е.П., Иомдина Е.Н., Маркосян Г.А. и др. Транспальпебральная реоофтальмография как метод оценки эффективности склероукрепляющего и трофического лечения прогрессирующей миопии. Офтальмология. 2018;15(4):439-446.
12. Boboeva Rano Rahimovna, Abdulladjanova Nodira Gulomjanovna, Sharipova Farida Yarashevna. // Study of choleric activity of rutan. // Academicia an international multidisciplinary research journal . vol.10 issue 11, november 2020
13. Бобоева Раъно Рахимовна, Жураева Гулрух Бафоевна. // Холеретическая активность рутана при лечебном применении у крыс с гелиотриновым гепатитом // International journal of discourse on innovation, integration and education. vol.1 no.5 (2020): december.
14. Бобоева Р.Р. // Investigation of rutan's choleric activity in drug hepatitis. // International journal for innovative engineering and management research. volume 10, issue 04, pages: 275-278
15. Boboyeva R.R., Abdulladjanova N.G. // Legalon va rutanning tajribaviy o'tkir gepatitda jigar biliar funksiyasiga ta'sirini qiyosiy baholash usuli. // Oriental renaissance: innovative, educational, natural and social sciences scientific journal issn 2181-1784 november 2021. // 285-295.

16. Одилова Г.Р., Худдиева Н.Ю. Optical Coherence Tomography // Central Asian journal of medical and natural sciences: 02 Issue: 05 | Sep-Oct 2021 ISSN: 2660-4159
17. Худдиева Н.Ю. Shishasimon tana destruksiyasini konservativ davolashda seavit preparatining samaradorligi. Academic researchineducational sciences ISSN 2181-1385 Volume 2, Issue 10 October 2021
18. Худдиева Н.Ю., Хасанов М.Х. Примеренение препарата препарата “Офтальрон в лечении синдрома сухого глаза у больных сахарным диабетом. Тиббиётда янги кун журнал 2 (34/3) 2021
19. Xuddieva Nargiza Yuldashevna. BIRLAMCHI OCHIQ BURCHAKLI GLAUKOMA KASALLIGIDA SLEZAVIT PREPARATINING NEYROPROTEKTIV TERAPIYANING TARKIBIY QISMI SIFATIDA ISHLATILISHI.  
[https://oriens.uz/media/journals/ORIENS\\_Volume\\_2\\_\\_ISSUE\\_6.pdf](https://oriens.uz/media/journals/ORIENS_Volume_2__ISSUE_6.pdf)
20. Odilova, Guljamol Rustamovna; Xuddieva Nargiza Yuldashevna. ADENOVIRUSLI KERATOKONJUNKTIVIT BILAN KASALLANGAN BEMORLARNI AMBULATOR SHAROITDA TASHXISLASH VA DAVOLASH.  
[https://oriens.uz/media/journals/ORIENS\\_Volume\\_2\\_\\_ISSUE\\_6.pdf](https://oriens.uz/media/journals/ORIENS_Volume_2__ISSUE_6.pdf)